

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Олгиарик туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи  
*И.Расулов*  
25.07.2022йил

**Бажарувчи ташкилони танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фарғона-2022**

**Танлов хужжатларининг мазми:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов ва хизматлар характеристикаси: Арча кўчатлари отиб олиш

№	Номи	Миқдори
1	Арча Элдарский сосна кўчатлари ёши 4йиллик 2.5-3 метрлик эни 1-.1.2см	2000

1.2 Танлов қиймати: 73 500 000(Етмиш уч миллион беш юз минг)сўм.

1.3Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади 2022йил охиригача.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 «Олтиариқ тумани Ободонлаштириш бошқармаси»(бундан кейин Бажарувчи деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи”манзили Олтиариқ тумани Ўзбекистон кўчаси№128-уй  
Эл.адрес:

2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танлов ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов Олтиариқ туман Ободонлаштириш бошқармаси буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатилган ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танлов иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20% миқдоридага айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси. ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарган иш ҳажмлари тўғрисида ги маълумотлар;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлган ҳолда);

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши,кўшилиш) тугутиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар,хамда муассислик келишув,молиявий иштирок,холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4.ТАНЛОВ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танлов ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар,маълумотлар Буюртмачи ва Иштирокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилидатақдим этилиши мумкин.

4.3танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник қисм буюртмачи томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми,танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида,хизматларни бажариш муддатлари,тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4.Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифла:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар,техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади.

4..5Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгаштириш киритиш хукукига эга.

#### **5.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлигини ва тўғрилига жавобгардир.Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюрмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1.Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида у кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.Товарни (ишни,хизматни) ўзгатиришга йўл кўйилмайди.Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.Шу билан бир вақтда,агар эълонда кўрсатилган ахорот ўзгартирилган бўлса,танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли.Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюрмачиси,агар мазкур сўров давлат буюрмачисига таклифларбериши муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин тушган бўлса,ушбу сўровга белгиланган

шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўз билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилган.